



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA


№ 2 (4557) // 2020-yil 10-yanvar

## ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ

### “ТУРКИЙ ДУНЁ ТИКЛАНИШИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИ УЧУН” ХАЛҚАРО МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси (Türk Dünyası Yazarlar ve Sanatçılar Vakfı — ТУРКСАВ) томонидан таъсис этилган “Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун” халқаро мукофотиغا сазовор бўлди.

#### ЭЪТИРОФ



Бу ҳақда ТУРКСАВнинг Анкарада ўтказилган махсус матбуот анжуманида маълум қилинди.

Мукофот соҳибининг исми-шарифи ТУРКСАВ хайъати коллегиял кўмитаси томонидан Туркия ва хорижий давлатларнинг таниқли сиёсатчилари, иқтисодчилари, фан ва санъат намояндalarининг 2019 йилдаги фаолиятини ўрганиш натижалари асосида эълон қилинди.

ТУРКСАВ мукофотини топшириш маросими 2020 йил май ойида Анкарада Туркия парламенти, ҳукумати, кенг жамоатчилиги, ишбилармон доиралари ва санъат арбоблари иштирокида таътанали тарзда ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳар йили бир марта бериладиган ушбу халқаро мукофот хайъатининг қарори Ўзбекистон раҳбарининг “Мамлакатнинг ташқи дунё, Туркия ва Марказий Осиё

давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини изчил мустаҳкамлашдаги бекиёс хизматлари ва амалий ҳиссаси, шунингдек, Туркий кенгашдаги ҳамкорликни сезиларли даражада жонлантиргани, ушбу ташкилот доирасидаги янги ташаббуслар, шу жумладан, 2020 йилда Хива шаҳрини “Турк дунёсининг маданий пойтахти” деб эълон қилиш бўйича ташаббуси” учун бир овоздан қабул қилинган маълум қилинди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққанлар Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнаомлигида ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларга юқори баҳо берди. Мамлакат раҳбарининг изчил ислохотларни ўтказишдаги кенг қўламли фаолияти, самарали ишлари, Туркий дунёнинг муҳим давлати бўлган Ўзбекистоннинг жадал тараққиётини таъминлаётган стратегик курс, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг янада ривожланиши учун қулай ички ва ташқи шароитлар яратилаётгани таъкидланди.

ТУРКСАВ раҳбари Яхё Энгин йиғилганлар номидан Ўзбекистон раҳбарига Ўзбекистон, Марказий Осиё, Туркия ва умуман, Туркий дунё олдидagi бекиёс ва тарихий хизматларининг қамтарона, бироқ



TÜRK DÜNYASI YAZARLAR VE SANATÇILAR VAKFI


самимий эътирофи муносабати билан чуқур ҳурмат ва самимий табриқлар йўллади.

ТУРКСАВ 1996 йил Туркиянинг бир гуруҳ зиёлилари ташаббуси билан ташкил этилган жамоатчилик асосидаги нодавлат ташкилотдир. ТУРКСАВ халқаро мукофотининг асосий мақсади туркий дунёнинг атоқли арбоблари фаолияти натижаларига жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, уларнинг туркий тилли худудни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасига ҳурмат билдириш ва эҳтиром келтиришга қаратилган.

Мукофотга турли йилларда Туркия Президенти С.Демиррэл, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев, Қозғоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Н.Назарбоев ва бошқалар сазовор бўлган.

“Дунё” АА.

Анкара



## ОЙБЕК

Ахир инсон эди ул камтарин зот, Садокат истади инсондан Ойбек.

Ўзича тушмаган осмондан Ойбек, Яралмиш меҳр ила армондан Ойбек.

Уни ўйлантириб миллат камоли, Кечирмиш дардларини жондан Ойбек.

Агарчи давр уни тилдан аюрди, Вале айрилмади иймондан Ойбек.

Зарифа опамизким – қувват олмиш, Ўзи тоғ бўлса ҳам райхондан Ойбек.

Уни ўз лафзига зор айлаганлар, Қувонмишларки: колди сондан Ойбек.

Ватадин кетмаган, сингимок Ватанга, Этишган шу улуг қарвондан Ойбек.

Ҳасад ғавғосио миннат жафоси, Не қўрди ул бузуғ даврондан Ойбек?

Ўзи йўк, жисми йўк, лек қўзлари бор, Навоийдек боқар айвондан Ойбек.

Эзилган кифтларида ўзбаки тўн, Ўтиб келди очик зиндондан Ойбек.

Сирожиқдин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

## АСРЛАР МУЗИНИ ЭРИТГАН “ЛАЗГИ”

ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг Номоддий маданий меросини ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмитасининг 2019 йил 12 декабрь куни Колумбиянинг Богота шаҳрида бўлиб ўтган 14-сессиясида ўзбек халқининг юксак маданияти ва маънавияти ёрқин тимсоли бўлган “Лазги” рақсини Инсониятнинг номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатида киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу масала муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ЮНЕСКО Бош директори Одре Азуле билан учрашувлари яқунларига қўра кун тартибига киритилган.

Инсон онадан туғилгандан сўнг бирдан гапириб кетолмайди, дастлаб унинг хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари қалбини ифодаб берувчи восита вазифини бажаради. Ҳар қандай гўдак “Лазги”нинг куйини эшитиши билан ўзининг ажиб бир ҳаракатлари ила кишини хайратга солади. Болага ҳеч қандай устоз томонидан ўргатилмаган, тинглаш бахти билан куй ўртасидаги бу боғланиш, шубҳасиз, илоҳий ҳолатдир. Менинг назаримда, инсон қалбининг гўзал ҳис-ҳаяжонлари, нозик туйғулари, севинч, меҳр ва миннатдорлигини изҳор этиш фақат рақс орқали намён этилади. “Лазги”нинг сеҳри шундаки, у мурғак қалблардан тортиб, нуруний ёшдаги пиру бадавлатларимизгача завқ улашди. “Лазги” ёш танламайди. Унинг халқчиллиги шундаки, аёл ёки эркак учун ажратилган жойи йўқ. “Лазги” ҳаммага мўлжалланган. Ҳа, шундай рақслар борки, фақат ёшларга ярашади. Шундай рақслар борки, оғир-босик, салобатли, ёши каттарок инсонларга ярашади. Шундай рақслар борки, фақат аёллар учун мўлжалланган. Шундай рақсларимиз борки, фақат эркеклар учун.

“Лазги” эса бундай чекланишлардан мутлақо холи санъат асари. Хоразмда Наврўз байрами тантаналарида иштирок этаётган чет эллик меҳмонлар ҳам “Лазги” оҳангига маст бўлиб рақсга тушаётганини кўриб завқинг ошади. “Лазги” барчани баравар оёкка қалқитиб, юзларида табассум пайдо этади. Гўёки мусика асбобларидан шундай сеҳрли нур тараладию барча шодиёна оҳанглар тўлкини ичра ғарқ бўлади. У шундай тўлкини, ухлаб ётган одам юзига бир ҳовуч иссиқ нур сачратқисидан уйғониб кетади. У шун-

дай оташки, совуқда қалтираб, жунжикиб ётган одам ғоз туриб, рақсга тушади. Уни эшитган одам ётган бўлса, туради, турган бўлса, шиддатли ҳаракатга тушиб, дўстлар даврасига юғуради. У одамларни бирлаштирувчи, кўнгилларни боғловчи қудратли кучдир. У ҳамманики, у барчага ажиб завқ бағишлайди. “Лазги” рақсга тушаётган инсонга ажиб тароват бахш этадики, унинг оҳангига мос муқом қилаётган ҳар қандай одам кўзингизга айрича ёқимли, кўркем, чиройли кўринади. Унга нисбатан аτροφдагиларнинг муносабати кескин ўзгаради. “Лазги”га берилиб ўйнаётган аёлга қараб “Вой, у шунчалар жозибадор экан, билмаган эканмиз”, дея ёқа ушлашганига неча бор гувоҳ бўлганмиз.

#### ФАХР

аждоқларимиз қалбда илдиз отган “Лазги” мўъжизаси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги Доимий ваколатхонаси маълумотига кўра, Номоддий маданий меросини ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмитаси “Лазги”ни овоз бермасдан, кенг консенсус асосида Репрезентатив рўйхатга киритишни маъқуллаган.

Мазкур кўмита баҳолаш комиссияси вакиллари кўплаб сабабларга асосан Репрезентатив рўйхатда бўлиш ҳуқуқига эга бўлган “Лазги” номинациясини маъқуллаган. “Лазги” пайдо бўлишидан олдин уни чалиш учун мусика асбоблари ясалган. Қадим бой маданий меросимиз соҳиблари – аждоқларимиз агар саҳрода чўпон бўлсалар, қўлларида най, сурнай ҳамроҳ бўлган. Дехқон, богбон, хунарманд, савдогарлар йиллар давомида дугтор, доира каби мусика асбобларини ихтиро қилишган, сўнгра чалиб рақсга тушишган.

Маданиятнинг бошланиши қандайдир қирғин қуроқларини ўйлаб топшидан, инсонни жароҳатловчи тилларни яратишдан бошланган эмас, инсон қалб мулкни бойитишга, яшашига, эзгуликка, гўзалликка, ҳаракатланишга, тараққиётга етақловчи “Лазги” каби бебаҳо маданий мерослардан бошланган. “Лазги” деганимизда кўз ўнгимизга асрлар музини эритиб, кўккам яшиллатган далаларда меҳнат қилаётган, саҳроларни бўстонга айлантираётган исёددоллар юрти — Ўзбекистон келади.

Зулфия МҲМИНОВА



## АДИБНИНГ МУСАВВИР ДҶСТИ

1974 йилнинг наврўз кунлари эди. “Ўзбекистон маданияти” газетаси муҳаррири таҳририят ходими Ҳабиб Каримовни чақириб, унга муҳим топшириқ берди. Туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан атоқли мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Урол Тансиқбоевга бағишланган саҳифа тайёрлаш ва шу саҳифада мусаввирнинг касбдош биродарлари билан бирга унинг кадрлош дўсти Ойбекдан ҳам мақола ундириш лозим эди. Ҳабиб Каримов ўша кунгидеки Халқ рассомлари Николай Карахан, Абдулҳак Абдуллаев ва Раҳим Аҳмедов билан учрашиб, нима мақсадда улар хузурига келганини тушунтирди. Ҳабиб улар фельлини яхши билгани учун осон бир йўлни танилади: уларни сўзлатиб қўйиб, изҳори дилларини қозонга туширди. Уйига келиб, бу дилномаларни газетхон ўқиса, роҳат қиладиган ҳолга келтирди. Энди энг муҳим ва энг оғир иш қолган эди. Ойбекдек улуг адибнинг уйига бориш, унинг хаста эканлигини била ту-

риб, ундан мақола ёзиб беришни сўраш эди. Нима қилсинки, газетчилик, муҳаррир топшириғи...

Ҳабиб минг хил ҳаёл билан Тошкенти азимнинг Ишчилар шаҳарчасига бориб, 1-Кисловод кўчасидаги 26-уйни ахтариб топди. Нақшинок дарвозанинг бир тавақаси ярим очик экан, шундай бўлса-да, киришга ийманиб, кўнгирак тугмасини босди. Адибнинг келини Хулқар бир зумда келиб, журналистни уйга таклиф этди. Ойбек домла ховлида, сиренлар қуюқ соя ташлаган жойда, кафасдаги қакликларга дон бераётган экан. Кўнгирак овозига ичкаридан адибнинг рафикаси Зарифа опа ҳам чиқиб: “Бирор газетадан келган кўринасиз. Тортинманг, келаверинг, домлага бемалол илтимосингизни айтинг”, деди майин овоз билан. Журналистнинг илтимосини эшитган Ойбек турган жойидан овоз берди: “Ях-ши, жуда ях-ши! Ёз-зиб бераман!”

#### ВОКЕИЙ ҲИКОЯ

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ўтган 2019 йилда АЙСЕКО — Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотига маданият вазири ИХ Ислам конференцияси томонидан 2020 йилда мусулмон дунёсидаги уч муаззам шахар — Қоҳира, Бамако ва бизнинг Бухороий шариф Ислам маданияти пойтахти, Туркой халқаро маданияти ташкилотининг 37-йигилишида эса кўхна Хива шаҳри 2020 йилда “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинди. Янги йилнинг илк кунларида эса муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси — ТУРКСАВ ташкилоти томонидан таъсис этилган “Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун” халқаро мукофотиغا сазовор бўлганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитдик...


#### ТЕРАН ТОМИРЛАР

Маълумки, башар тарихида туркий халқлар томонидан асос солинган қудратли давлатлар, бу давлатлар худудидаги илмий, ижтимоий, маънавий, маданий юксалишлар дунё халқлари тамаддунига сезиларли таъсир қўрсатганлигини яхши биламиз.



ҚАЛБИНИНГ ҚАЪРИДА СОЗИ ОЧИЛАР

Азим СУЮН



Шеърлар

Ботир дигит

Ботир йигит келбати
бўридай туклик эзур,
Могу мулки, давлати
бокадр, юклик эзур.

Чегара нелигин билмайди кушлар,
Чегара нимадир азим дарёга?

Биламан, хар халкнинг ўз Ватани бор,
Хар миллат Ватани ўзига жаннат.

Энг буюк хазина – кўзлар тўқлиги,
Оламзод кўзларин

тўқ қилгил, Танграм!

Миллатхўр зўравон йўл-йўриқлигин
Бесархал дунёдан

йўқ қилгил, Танграм!

Чегара... чегара... кўзгар хайратим
Мен озод бир кушман,

учмоқ истайман.

Дунёда билмайин сархал нелигин,
Она-Заминимни кучмоқ истайман!

Менинг шоирона орзуларим мўл,
Оппок булутларни қилурман гилам.

аввал Инсон бўл,

Ер шарни бўлгайдир деворсиз Олам!

Эй фарзанд

Аргумок минибсан, келди пайт, галинг,
Қудрати қувватдан қурч эзур белинг,

Очиқюз йигитнинг йўли очикдир,
Қалби кўр йигитнинг қўли очикдир,

Дехкон дон саралар, сарасин эккай,
Туманга ўк отма, Раббимга теккай,

Қайтмоқни ўйлагил тоққа чикмасдан,
Захрини англагил чаён чакмасдан,

Йигитнинг муроди аник бўлса гар,
Минган аргумоғин тўғи чакнар,

Эш шоирларга

Дарвешдай йўлчидир шоир дегани,
Элларни, юртларни кезар кўргани,

Қаламча, нартлардан тоқзорлар пайдо,
Булоқлар тоғ ёрар — оламга шайдо,

Сўраб ўтирарми, учрар хор-зорлар,
Бемордек соғлару соғдек беморлар,

Шоирим, парвоз эт, уммонларни кеч,
Майли, ич, адолат шаробидан ич,

— дер, — адолат — куч!

Адолатпешадир, кози очилар.
Отангни унутма, Ватанга тая!

Ўзбек

Нималарни яхши кўради ўзбек?
Уйларини яхши кўради ўзбек,

Нималарни яхши кўради ўзбек?
Онларини яхши кўради ўзбек,

Нималарни ёмон кўради ўзбек?
Орига теккани ёмон кўради,

Азим Суюн айтди: бу халққа балли!
Тоғ бўлса, булоғи бўлсин, дейди у,

Тўқилмади

Арзонни кўп кўзлама,
арзон беиллат бўлмагай,

Агар билсанг, асл бойлик,
кўзи тўқлик каноатдир,

Авайлаб учмаган куш
канотидан айрилгайдир,

Пойдеворсиз иморатни
ким кўрибди гардулда,

Азим Суюн айтди, дўст,
ақл кайрови — накл,

Нақлим ҳақиқатдир,
ўнсиз адолат бўлмагай.

Умримда бор бисотим
бўлди фақат шеърнат,

Хали мактаб бормайин
сабоқ олдим бобомдан,

Бахшилар дўмбирасин
тингладим девонавор,

Ох, шеър узангисига
оёқ кўйганим кундан,

Кун келиб, қурган бином
кулбами ёки сарой,

Айтди Доғдонишмад Вақтим,
айтар фақат шеърнат.

Наби ЖАЛОЛИДДИН



Тўртинчи кунни одам анча сепкилди. У эртасига эртамандаёқ опаси билан синглисини ўз уйига ҳайдади — «Бориб, бола-чақаларингнинг иссиқ-совугини қилинлар», деди.

Шундай қилиб, опаси билан синглиси уйларига кетишти. Камолиддин то тушга-ча кўчага чиқиб, уйга кириб юрди. Кечроқ эшитанлар бўлса, фотиҳага келиб, дарвозанинг тағида мунтазир қолишмасин, деди.

кедди. Ҳарчанд уринмасин, йиғлолмади. Қани энди, бу қакраган кўзларига бир томчи ёш келса! Худди ўчақишгандек киприқлари қовжираганча қолаверди. Одамларнинг гўнғир-гўнғир гийбатлариниям эшитмаганга солди ўзини. Отажонсини, ҳатто қабрга ҳам бир томчи кўз ёш тўкмай ташлаб келди.

Ушанда уларнинг ротаси ҳам навбатдаги рейд-жанга чикди. Қир ёнбағрида ёлғиз бораётган «БТР» туйқусдан отилган гранамет ўқидан таққа тўхтади-қолди. Бунни пайқаган душман ўраб кела бошлади. Зобит билан Камолиддин «БТР»нинг пулемётидан то ўқлари тугагунча отишди.

Ана, душманлар қарийб «БТР»га етиб келишди, ҳозир унинг устига чиқади-да, зобит билан уни асирга олишди. Кейин эса адоғсиз ва мислсиз азоблар... Яхшиси, ҳозир ўлиб қўя қолгани осонроқ бўлади, барибир, минг азоб билан ҳам ўлади-ку. Аслида бу гаплар Камолиддиннинг хаёлидан ўтганди.

— Бир лаҳза ҳолос, Камол! Кўзларингни юмиб, бир лаҳза чидасанг бас, ҳаммаси ўтиб кетади! — деди у овози хириллаб.

— Йўқ, ўртоқ катта лейтенант!.. — шундай дедию унинг кўз олдига дарвоза тағида йўлга маънос тикилиб турган опаси келди. Йўқ, унинг ўлишига ҳақки йўқ! Унинг ўлимини опаси кўтаролмайди. Агар у ўлса, опаси гўр азобини кўради. Шундай экан, у яшаши керак! Яшаши!..

— Йўқ-ўқ!.. — деди у хайкириб, зобитнинг кўзларини каттиқроқ сикаркан. — Йўқ, ўртоқ катта лейтенант, биз ўлмаймиз! Қўйиб юбор-

манг!.. Онам бунни кўтаролмайди!.. — У айна пайтада ўлимдан қўркмасди. Унинг ўлганини сочларини қолиб йиғлаётган онасини кўз олдига келтирганидан жазавага тушган эди.

Ростдан ҳам улар ўлмай қолишди — кир устида пайдо бўлган яна бир «БТР» душманни тутдай тўқди...

Ушанда жон талвасасида ҳам онасини ўйлаб, йиғлаганди. Энди эса онаси оламдан ўтди, энди у йўқ, ҳеч қачон қайтмайди. Аммо, унинг кўзларига милт этган ёш кўринмади. Нахотки, шунчалар дийдаси қотиб кетган бўлса?! Нахотки, уруш уни шу аҳволга солди?! Йўқ! Ахир оддийгина кинолардан таъ-

сирланиб, кўзлари ёшланиб кетардию энди онасидан айрилиб ҳам йиғлолмасан?!

Онаси уни жуда-жуда эҳтиёт қиларди, авайларди. Бир кунни дахлиздаги деразанинг тағида ётаркан, уни ухлаяпти деб ўйлаб, онасининг келинига қилаётган насихатини эшитиб қолди:

— Айланай, қизим, — деди онаси ялингандай, — шу болагинамни эҳтиёт қилин, хўпми! Нима деса, хўп денг, жон қизим! Жаҳлинчи чикарманг, болам! Кейин нима деса, мана, менга кўйинг. Фақат шу болам касал бўлмасин, айланай!

— Вой, буви-ей, мен доим ўғлингизнинг айтганини қиламан. Ҳечам гапини қайтармайман. Болангизнинг феълени биламан, бувижон!

— Шундай қилин, жон қизим! Боламини касал қилмасангиз бўлди! Биласиз-ку салга боши оғриб, юраги сикиб қолади!..

Ушанда онасининг гапини эшитиб, кўзларидан ёш отилиб кетганди...

Камолиддиннинг юраги сикилди. Бағридан нимадир бўғзига судралаётгандек туюлди. Ағдарилиб, икки қўлини бошининг остига қўйиб, шифтга қараб ётди. Бунча хувилламан-я бу уй! Ростданам хонани кулоқларини ёриб юборгудай сукунат эгаллаб олганди. Йўқ, ана, ҳовлининг қариндаир хотинининг шарпаси эшитилди. Иккада ўғли уришиб қолди шекилли, биттаси гингшиди. Хотини уларга астагина танбех берди... Камолиддин оғир бир ютинди-да, бағридан сирғалиб, бўғзига келиб қолган нарсани қайтарди юборди. Ташқа-

рига чиксаммикин, ўйлади кейин, балки бироз ёзиларман. Кучаниб ўрнидан тураётгани, юраги қаттиқ қисди. Оғриқдан афти бўймайиб, бирпас жим туриб қолди. Тебраниб оstonага чикди. Дарвозахона томондан хотинининг овози қулоғига чалинди. У эрининг оромини бузмаслик учун ўғилларини енгил пўписа билан кўчага хайларди. Онасиям шундайди, айнакиса, опаси билан синглиси болаларини олиб келишса, хамиша тергаб турарди:

— Ҳой, секинроқ гапир, Камолиддиннинг боши оғриб қолади!

— Борларинг, тўполон қилмай, тоғаларинг уйғониб кетади-ей!

АЙРИЛИК

Бундан опа-сингиллари зўраки аразлашиб қолишарди:

— Вой-ей, нима, Камолиддин болангизу биз болангизмасмизми, бувижон?

Кампир бироз юмшарди:

— Нега унақа дейсан! Ҳамманг боламсан, житаримдан бўгансан! Фақат Камолиддин урушда сал инжикроқ бўп қолган-да, қизларим!

Камолиддин кўксининг чап қисмини укалаб, остонадан тушди. У ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳалигина уй ичини эгаллаб олган хувиллаш энди ҳовлига ҳам тошиб чиқаётгандек туюлди. Нигоҳи уй саҳни бўйлаб интизор тентиради, гўё қимдинг ахтарди, лекин тополмади. Олам бўм-бўш эди гўё. Ҳалиги хувиллаш яна кулоқларини эговлай бошлади. Оғир ютинди. Киприқларининг ости ачишиб, кўзларини бир-икки юмиб-очди. Нигоҳи тентирай-тентирай, саҳннинг бир четига сўрида тўхтади. Ҳар кун бу махалда опаси сўрида ўтириб, ё ошга саби-пизё тўғрарди, ёки отасидан қолган кўзойнакни тақиб олиб, мункайганича гуручнинг тошини тераётган бўларди.

Камолиддин сўрининг олдига борди, онаси ўтирадиган кирчимол қора тўшаққа тикилди. Ҳалиям янги тўшақлар солиғлиқ турганди, чамаси, хотини йиғштириб, яна эскиларини тўшаб қўйибди, шекилли.

Камолиддин ҳар кун ишдан бўшади дегунча уйга ошиқарди. Баъзи тенгурларига ўхшаб, кўча-кўйда улфатчилик қилиб юрмасди. Негадир уйга ошиқаверарди. Уйга келиб, сўрида ўтирган онасини кўрардию,

бирдан юраги хотиржам тортарди. Бунни ўзи аник хис қилса-да, лекин тушунолмади. Вужудини галяти бир халоват қамраб, онасининг ёнига ётиб олгиси келарди. Кўпинча бошини онасининг тиззасига ёки ёнбошига қўйиб ётварларди-да, осмонга термуларди. Онаси эса ёш турги, сочининг ярмидан кўпи оқариб кетган ўглининг пешонасини силаб, Камолиддин бошқа ҳеч қимниқига ўхшатолмайдиган меҳри овоз билан сўроққа тутиб қоларди.

— Ишга яхши бориб келдингми, болам? — Ҳмм... — Бошинг оғримадими? — Йў-ўқ... — Юрагинг сиқилмадими? — Йў-ўқ... — Тушликда овқат едингми? — Ҳмм... — Сочларинг бирам чиройли оқарибдики!..

Камолиддин қора тўшаққа чўзилиб, шомнинг ним қоронғулиги аро кўкиш осмонга тикилди.

Онаси эса ҳамон унинг сочларини силарди.

— Бугун бир бошлаб ош қилиб берай, а, болам!

У оғир ютинди, кўзлари ачишиб, гўё битиб қолай деган бурнини қийнаибди-қийнаибди тортиди.

Майин қўл эса пешонасини силаверди.

— Бошинг оғрияптими? — Ҳмм... — Юрагингиз-чи? Юрагингиз оғрияптими?

— Оғрияпти!.. Жуда ёмон оғрияпти! — Унинг юзи тиришди.

— Нима овқат қилиб берай! — дея сўради халиги овоз.

У осмон қадар кенгайиб кетган нигоҳини йиғиб, хиёл қайриди: боши устида кўзлари ёшли хотини маънос термулиб, унинг пешонасини силарди. У ичидан отилиб келаётган нарсани тўсиб қолмоқчи бўлди, тишларини қаттиқ қимтиганди, ияк ва чакка суякларни бўртиб кетди.

— Сочларингиз бирам чиройли оқарибдики!.. — деди халиги овоз йиғи аралаш.

Ҳатто тишлар ҳам бўғиздан отилган нарсани тўсиб қолишга ожизлик қилдилар:

— Буви!.. — дея чийиллади у кўзларини қаттиқ юмаркан ва киприқлари остидан ёш тиркираб кетди. — Бувижон-он!..

Хотини эса ҳамон унинг сочларини силарди...





Бизнинг мазкур иморатимизда мингта хона бўлсин, уларнинг безатилиши бир-бирига ўхшамасин, баландлиги эса осмон гумбазин билан рақобатлашсин.

Бетакрор меъморий обидалар халқимиз ақл-зақоси ва маънавий қудратидан дарак беради. Масалан, Шахрисабздаги Оксаройни яқиндан кўрган ҳар қандай сайёҳ унинг маҳобати ва улғуворлигидан ҳайратланади.

Бугун ахборот технологиялари, Интернет ва "ойна жаҳон" тараккиёти тарихий шахслар, меъморий обидалар ва манзараларни "жонлантириш" ҳамда дунёга намойиш этиш имкониятини яратди. Масалан, "Троя" киносиди қадимий шаҳар ва улкан жанг манзаралари жуда ишонарли кўрсатилган.

Юртимизда туризм соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилиши натижасида, халқимизда ноёб тарихий обидаларимизни асраб-авайлаш ҳамда дунё ахлига намойиш этишга бўлган эътибор ҳам ортиб бормоқда. Қолаверса, меъморий обидалар – катта даромад келтирувчи туризм омилларидан бири экани яхши маълум.

Шахрисабзлик мусаввир Матсудбек Холов узок изланишлар, кўплаб кўҳна тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиши натижасида машҳур Оксаройнинг асл кўринишини матода тасвирлади.

Мана, "бағрида дунё ҳал бўлган" Оксарой!

Ҳозир Оксаройдан фақатгина 25-30 метр жойни эгаллаган, вайрона ҳолатидаги иккита пештоқ қолдиқларини сақлаб қолган. Аммо шу кўринишдаги маҳобати ҳам кишини лол қолдиради. Бир пайтлар бу сарой 300 метрга чўзилган улкан ва осмонлар бинолар мажмуасидан иборат бўлган. Унда ғоят хашаматли девонхона, қабулхона ва ҳожмдорнинг дам олиш хоналари жойлашган. Саройдаги узун йўлақлар орқали жаннатий манзарали гўзал боққа чиқилар эди. Атрофда кўплаб фавворали ховузлар бўлиб, уларда тиниқ осмон ва гўзал Оксаройнинг мовий гумбазлари акс этиб турган.

Оксарой ҳақида тарихий манбалардан кўра, халқ тилида саклаб келаётган маълумотлар кўпроқ, — дейди Матсудбек. — Мен ушбу суратни чизишда "Бобурнома" ва Руи Гонзалес де Клавихо "Қундалиқлар"дан фойдаландим. Чунки Испания-Кастилия элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Оксаройни деярли тугал ҳолатда кўрган.

Элчи иморатнинг гўзаллигидан ҳайратланганини ёзиб қолдирган: "...Бутун бино зарҳал ва ложувард билан қопланган бўлиб, у ерда саройнинг шунча бўлма ва оромгоҳларини кўрсатдиларки, улар ҳақида жуда узок сўзлаш мумкин. Сарой зийнатлари олтиндан ва бошқа ранглардан хайратомуз қилиб ишланган эди. Ҳатто моҳир усталари билан жаҳонга машҳур бўлган Парижда ҳам бу иш жуда гўзал ҳисобланган бўлур эди". Унинг ёзишича, қасрни

батафсил тасвирлаш учун айланаб кўришга бир ой ҳам етмас экан. Афсуски, Оксаройнинг тугал кўриниши сурати, тархи (лойихаси) ёки мукамал ёзма тавсифи ҳам бугунгача сақланмаган. "Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида яшовчи бир фуқарода Оксаройнинг асл лойихаси сақланади", деган маълумотни бир китобдан ўқигандим. Қани эди, шу лойиха топилиб, ҳеч бўлмаганида ундан нусха кўчириб олинса.

Афсонавий саройни қизиқдан аввал юртимиз ва узок-яқин хориждаги машҳур қасрлар чизмаларини синчиклаб ўргандим. Испаниядаги Алгамбра қасри, Севилья шаҳридаги Алказар саройида ҳам Оксаройга хос жиҳатлар мавжуд. Атрадаги Тож Маҳал ховлисиди, Исфохон, Машҳад ва Табриздаги саройларда ҳам узун, тўртбурчак ва бошқа шакллардаги ховузлар бор. Буларни ўрганиш эса Оксарой "киё-фаси" ҳақидаги тасаввурларни бойитиш ҳамда мантқиқий хулоса ясашим учун асос бўлди.

Оксаройнинг турган-битгани ҳикмат, сир-синоат. Уни англаш ва

тасаввур этиш учун меъморчилик, тарих, ислом дини, адабиёт ва миллий қадриятларимизни имкон қадар чуқур билиш, ўрганиш керак. Масалан, Оксаройнинг бош гумбазини атрофида тўртта кичикроқ гумбазлар меъморчиликда Пайғамбар ва тўрт саҳоба — "чоринёр"ларни англатади, деган тушунча мавжуд.

Оксаройнинг ўрта равок тепаси радиуси — 3,2 метрга тенг ярим айлана шаклида бўлган, бу эса Ер шари радиуси ифодаси, деган фикр бор. Бош равокнинг меҳроби ўртасидаги безакларнинг умумий сонини 365 тани ташиқил қилади. Бу йилдаги кунлар сонига ишоратлар. Бошқа обидалардан фарқи жиҳати — Оксарой нақшлари симметрик эмас. Яъни, пештоқнинг ўнг ва чап томонида турлича нақшлар туширилган. Нега? Бунда ҳам катта ҳикматлар яширин. Уларни ўқиб, уқиб, мағзини чақиб учун тасаввур, фалақият, фалсафа, хандаса... каби илмлардан хабардор бўлишимиз керак. Бир замонлар унинг пештоқига Соҳибқирон Амир Темур амрига биноан, "Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг" деб ёзиб қўйилган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Оксарой инсоният меъморчилик санъатининг гулгожларидан бири. Уни мухташамликда Миср эҳромлари, Бобил миносари, Ҳиндистондаги Тож Маҳал, Париждаги Нотр-Дам ибодатхонасига қиёслаш мумкин. Саройнинг номланиши хусусида: баъзи фикрларга кўра, ой ёруғида

Амир Темур



жилоланиб, оқариб кўринганлигидан «Ок сарой» деб номланган, яна бошқа маълумотларда арабий имлодаги «Ок саро» сўзида саройнинг қурилган йили абжад ҳисобида дарж этилгани айтади.

Манбаларда айтилишича, сарой қурилишида 100 мингдан зиёд одам катнашган. Қурувчилар учун кунига 700га яқин қозон осылган. Шахрисабдан 12 километр узоклиқдаги Дархон қишлоғи яқинидаги хумдондан

тузалишини тезлаштириши ҳақида хайратомуз далилларни айтиб беришди.

Сарой деворларига битилган ҳикматларнинг баъзилари ҳозирга қадар сақланиб қолган. Уларда: "Ал-адлу асаул малик ва саодатул мулк", яъни "Подшонинг адолати — халқнинг бахт-саодати", "Фақун финмулки Сулаймонан, фақун фил-умри Нуҳан", яъни "Мулкда Сулаймондек, умрда Нуҳдек бўл" каби ҳикматлар

битилган. Соҳибқирон бобомиз, аввало, ўзлари ушбу ҳикматларга умр бўйи амал қилганлар...

Саройнинг мингдан зиёд хоналари бўлган. Соҳибқироннинг хашаматли қабулхонаси эса ҳар қандай "дунё кўрган" одамни лол қолдирган. Юқори қаватларига ўша даврга хос "лифт"да чиқилган. Шахрисабзлик қарияларнинг айтишларича, 70 метр баландликка Амир Темур "тахти раво"да чиққан. Таниқли адиб, темиршунос олим Тўлқин Ҳайит шу фикрни қувватлайди. Алишер Навоий бобомизнинг:

Бермағай эл чекарга тобу равон, Бу экин олам инра «такти равон» — деган сатрларини, "бу ҳозирги лифтларнинг деярли ўзидир", — дея изоҳлайди. Амир Темур ўша замон моҳир усталари ясаган мосламлада, яъни "тахти равонда" фаввора отибли турган осмон фалақдаги гумбаз остидаги хонага кўтарилган бўлишлари мумкин...

Оксаройда бугунги тасаввуримиздаги акустика, канализация, вентиляция ва иситиш тизимлари мукамал бўлган. Баландлиги 15 метрли шаҳар деворлари Оксаройнинг "тизаси"га ҳам етмаганига эътибор беринг. Оксарой пештоқининг ярмидан пастроқ қисми ҳам шаҳардаги энг баланд иншоот саналади. Агар қаср безовол сақланганида, нафақат Шахрисабз кўрки, балки юртимиз одамларининг фикрлаши, гурури, маънавияти... ҳам анча ўзгача, юксак бўлар эди! Бу сурат хали тугал

эмас, рассом унга янги маълумот ва таклифлар асосида сайқал берапти.

Шахрисабзга келаётган сайёҳлар оламга машҳур Оксаройни зиёрат қиладилар. Бугун Оксаройнинг макетини сополдан ясаш, турли кўринишларини чизиш, Соҳибқирон Амир Темур ҳамда унинг аскарлари кийимларини асл кўринишда тиклаш ва шу каби ижодий-хунармандлик ишлари кенгайиб бораётган. Шахрисабзлик фидойи уста Азизбек Аҳмедовнинг мўъжазгина устaxonаси шахрисабзлик ёш рассомлар учун ўзига хос мактабга айланган. Рассомларнинг бош мавзуси — Оксарой. Хорижий сайёҳлар хайратланиб, суратларга қараб гўймайдилар. Оксарой расмлари ва сополдан ясалган митти нусхалари Шахрисабз меҳмонлари учун қимматли эсдалик саналади. Оксарой қаршида суратга тушиш — Боқийлик, Улғуворлик, Куч-қудрат ва Ҳикматлар дунёси билан юзма-юз туриш демакдир.

Қадимшунослар фикрича, тарихий обидани таъмирлашда уни консервация қилиш, яъни қай ҳолда бизгача етиб келган бўлса, ўша кўринишда сақланиши муҳим. Шахрисабзлик Оксарой фидойилари эса қасрнинг асл кўриниши ва баландлиқдаги нусхасини қуриш ҳақида кўп гапирдилар. Бу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўлиши учун бел боғлаган талбирқорлар ҳам бор экан. Янги Оксаройда тиллақори хоналар, мовий гумбазлар яна кўзалари қувнатиб туради. Гаройиб қандиллар, кўш табақали ноёб ўймақори эшиқлар ўрнайтилади. Бу қаср шунчаки томошагоҳ эмас, унда хунармандлик устaxonалари, ёдгорликлар ва китоблар билан сувдо қилувчи дўкхонлар, кўрғазмалар, музей қабилари, хатто замонавий меҳмонхона ҳам жойлаштириш мумкин. "Шахрисабзга бориб, Оксаройда дам олинг" дейиш қанчалик тағтанавор жарангайди!

Орзуга айб йўқ. Юртимизда кўҳна тарихимизга қизиқиш кучайиб, кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляётгани Оксаройни тиклашдек орзулар ҳам рўёбга чиқишига ишонч уйғотади.

Бахтиёр ҲАЙДРОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ОКСАРОЙ

ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ

Устоз Махмуд Саъдий жаҳон халқларининг мақол ва маталларини, улугъ файласуф, адиб ва алломаларнинг ҳикматларини ниҳоятда кадрлар, шоғирдларига бот-бот уларни мутотлаа килиб туришни уқтирар эди. Имкон топган пайтлари инсоният тафаккурининг ушбу дурдоналарини она тилимизга таржима қилиб, газета ва журналларда бостиради. Устознинг ана шу таржималаридан бир қанчасини саралаб, "Тафаккур дурдоналари" рукнида бериб боришни мўлжаллади.

ФОЗИЛЛАР ЙЎЛИ

(Қадимги ҳинд ҳикматлари)

Бирон-бир ишга уринма — донишмандликнинг биринчи белгиси шудир. Бирон-бир ишга киришингми, уни охирига етказ — донишмандликнинг иккинчи белгиси шудир.

Барча халқок бўлаётганда доно ёртисини асраб қолади ва шу ёрти билан мақсадга етади.

Агар доно бўлсанг — бадавлатга, ҳокимга, гўдакка, кексага, зоҳидга, донишмандга, аёлга, аҳмоқка ва муаллимга қарши борма.

Бировга маслаҳат беришга келганда, ҳар бир кимса — донишмандлик хазинаси. Ана шу маслаҳатларга амал қилишга келганда эса, доно ҳам аҳмоқдан ақилроқ эмас.

Ақлсиз кечмиш билан овунади, ақли қалта — келажак билан, оқил ҳозир яшайди.

Донлар вақтини шеърят ва фанларга бағишлайди, нодонлар — фиска-фужур, уйку ва низоларга.

Нодон билан дўст бўлгандан, доно билан душман бўлган яхши.

Дона одам бой берилган нарсаларга, ўлган ва кечмишга ҳам чекмайди. У шу хислати билан нодондан фарқ қилади.

Жасорат ёт бўлган ақл — аёлнинг хусусияти; ақлга эш бўлмаган жасорат — хайвоннинг хусусияти.

Нодон арзимаган ишга уннаб ҳаммани безор қилади, доно улугъ ишга хотиржамлик билан киришади.

Башанг кийинган нодон фақат оғзини очгунча мажлисининг гули бўлади.

Нодон болалигида фақат ота-онасини ўйлайди, ёшлигида фақат севилсини, кексаллигида эса фақат болаларини. Шу қўйи у ўзи ҳақида ўйлашга улгурмай оламдан ўтиб кетади.

Оловни сув билан ўчирадилар, қуёш тигини соябон асрайди, фильни дарра билан бўйсундирадилар, буқа ёки эшакни эса қалтак билан итоат қилдирадилар, қасалликлардан дори қутказди ва илон захридан афсун ёрдамида соғайдилар. Ҳамма дарднинг давоси бор, фақат нодонликнинг давоси йўқ.

Махмуд САЪДИЙ таржимаси.

«Agro Invest Sug'urta» акциядорлик жамияти акциядорларининг ДИҚҚАТИГА! ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР! «Agro Invest Sug'urta» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 31 январь куни, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси 3-уй манзили бўйича Жамиятнинг бош офиси биносидида ўтказилади. Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2020 йил 27 январь ҳолатига тузилади.

«Respublika mulk markazi» MCHJ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ! Савдога Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.Ю.Юнусовга тегишли, Тошкент ш. М.Улугбек т. М.Улугбек кўчаси манзилида сақланаётган «Iganza» русумли, давлат рақами 01/389 АСА, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси — 28 828 000 сўм автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2020 йил 6 февраль соат 10:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 4 февраль, соат 16:00. Автотранспорт воситаси шу кунни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2020 йил 13 февраль, 20 февраль, кунлари соат 10:00да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2020 йил 13 февраль, савдолар учун 11 февраль соат 16:00; 2020 йил 20 февраль, савдолар учун 18 февраль, соат 16:00да тўхтатилади. Талабгорлар зақалат қилиш учун шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ХАТБ «DAVR-BANK» Бош Амалдорлар Бошқармасидаги ҳисоб-рақамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО:00981, ИИН:200 933 850 тўлашлари шарт. Савдо ғолибига 5 банк кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел:233-28-52. Расмий сайт. www.rtm.uz. Гувоҳнома: 001805.

ЎЗБЕКISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI. Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru. Бош муҳаррир Салим АШУРОВ. Тахриратга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтаришмайди. Мухлифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланши мумкин. ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. Сотувда нархи эркин. ISSN 2381-634X. Нам ва наср бўлими: 233-58-60.